




Asia Alliance
Bank



Ҳафталик бозор шарҳи

Маҳаллий ва глобал молия бозорлари


Ҳазначилик бошқармаси

06 июль 2026й.



Валюта бозори


Валюта жуфти	03 июл ҳолатига	Ҳафталик ўзгариш	Ойлик ўзгариш	Йиллик ўзгариш
USD/UZS	11 909,7	-0,9%	-0,5%	-5,4%
EUR/UZS	13 588,9	-0,4%	-2,3%	-8,3%
RUB/UZS	152,3	-4,8%	-6,7%	-4,9%



Сўм тебранишлари

Доллар/сўм курси 11 973,9 сўмгача пасайди – UzRVB биржасидаги ҳафталик савдолар якунида. Жаҳон бозорида АҚШ долларининг бир оз заифлашуви (DXY ҳафтада -0,5%) фонида сўм мустаҳкамланди, бунга экспорт, хорижий инвестициялар ва пул ўтказмаларидан валюта тушумининг барқарор оқими ёрдам берди.

Пул бозори




Ликвидлик динамикаси

Умумий ликвидлик ва захира нормаси ўртасидаги фарқнинг чўққиси (6,5 трлн сўм) 2 июлда қайд этилди – банклар захира даврининг якунланиши арафасида МБдаги корр. ҳисобварақларидаги қолдиқларни оширди.

Ставкалар асосий ставкадан паст

UZONIA ва дилерлараро РЕПО ставкалари 13,2-13,85% оралиғида тебраниди ва асосий ставка (14%) даражасидан паст бўлиб қолди, бу банк тизимида қисқа муддатли ликвидликнинг сақланиб турган ортиқчалигидан далолат беради.



2026 йил 1 июлдан бошлаб МБда захира шакллантириладиган янги киритилган мажбуриятлар базаси 20% дан 30% гача оширилди, шу билан бирга хорижий валютадаги мажбурий захира нормативлари 8,5% дан 7% гача пасайтирилди.

Давлат қимматли қоғозлари бозори

Ғазначилик мажбуриятларини жойлаштириш бўйича аукцион савдолари 30 июнь куни T+2 ва 2 июль куни T+0 тартибида ўтказилди. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан 30 июнь куни муомала муддати 1 йил ва 3 йил бўлган ДҚҚлар жойлаштирилди, уларнинг ўртача тортилган ставкаси мос равишда 12,01% ва 12,64% ни ташкил этди. 2 июльдаги, муомалада бўлиш муддати 1 йил ва 3 йил бўлган ДҚҚларни қўшимча жойлаштириш бўйича ўртача тортилган ставка мос равишда 12,00% ва 12,64% ни ташкил этди. Бундан ташқари, 2 июль куни Марказий банк облигацияларини жойлаштириш бўйича аукцион ўтказилиб, унда 30 та дилер иштирок этди, келиб тушган буюртмаларнинг умумий ҳажми 78,49 трлн. сўмни, ўртача тортилган ставка 14,00% ни ташкил этди.

Аукцион санаси	Ҳисоб китоб режими	Идентиф. Рақами	Муомала даври	Эълон қилинган ҳажм (минг дона)	Буюртмалар ҳажми (млрд. сум)	Қондирилган буюртмалар ҳажми (млрд. сум)	Ўртача тортилган ставка %
30.06.2026	T+2	24137UMFS	364	200	713	179	12,01%
30.06.2026	T+2	28045UMFS	1095	300	1 229	303	12,64%
02.07.2026	T+0	21242CBUSS	7	80 000	78 488	78 486	14,00%
02.07.2026	T+0	24137UMFS	364	200	223	179	12,00%
02.07.2026	T+0	28045UMFS	1095	500	200	200	12,64%

Режалаштирилган аукцион санаси	Ҳисоб китоб режими	Идентиф. Рақами	Муомала даври	Чиқарилиш ҳажми (минг дона)
07.07.2026	T+2	24137UMFS	357	200
07.07.2026	T+2	28045UMFS	1088	300


ДҚҚнинг режалаштирилган аукционлари

7 июль куни Иқтисодиёт ва молия вазирлиги T+2 ҳисоб-китоб режимида 1 ва 3 йиллик Давлат қимматли қоғозлари аукционлари ўтказишни режалаштирмоқда.

Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ғазначилик мажбуриятларининг савдолари Охирги ўтказилган аукцион натижаларига кўра муомила муддати 3 йил бўлган қимматли қоғозларнинг ўртача тортилган ставкалари ой ўртасига нисбатан 12,75% дан 12,64% гача пасайиши кузатилди. Марказий банкнинг ҳафталик облигациялари савдоларида умумий талаб доимий равишда таклифдан юқори бўлганлиги сабабли ўрта муддатли ДҚҚларга бўлган талаб ошди.


Даромадлилик эгри чизиғи

1 июль ҳолатига кўра даромадлилик эгри чизиғи (миллий валютада ифодаланган қарз воситаларининг нархлари ва муддатлари ўртасидаги боғлиқликни кўрсатувчи график) 3 ва 5 йиллик давлат қимматли қоғозлари бўйича мос равишда 12,81% ва 14,76% ни ташкил этди.




Валюта бозори


Валюта жуфти	03 июл ҳолатига	Хафталик ўзгариш	Ойлик ўзгариш	Йиллик ўзгариш
EUR/USD	1,1437	0,47%	-1,50%	-2,72%
USD/RUB	77,31	-1,98%	5,33%	-2,23%
DXU	100,86	-0,49%	1,46%	3,79%
XAU/USD	4 175,7	2,11%	-6,70%	25,53%
USD/CNY	6,7805	-0,26%	0,10%	-5,42%
USD/JPY	161,38	-0,23%	0,85%	11,35%



Пул бозори



Хом ашё бозори



Евро 1,14 дан юқорига мустаҳкамланди (хафтада +0,47%) – бунга еврозода инфляциянинг июнда 2,8% гача секинлашуви (майда 3,2%) – февралдан бери энг паст даража – ва АҚШ долларининг умумий заифлашуви (DXU хафтада -0,5%) сабаб бўлди. АҚШ меҳнат бозори бўйича июндаги заиф ҳисобот (кутилган 110 минг ўрнига +57 минг иш ўрни) ҳам долларга босим ўтказди, ишсизлик 4,2% гача – йиллик минимумга – пасайганига қарамай. Рубль долларга нисбатан бошқа валюталардан кўра кучлироқ мустаҳкамланди (USD/RUB -1,98%) – Россия Банкининг 24 июлдаги мажлиси арафасида, унда регулятор ўртача ставка бўйича прогнозни юқорига қараб қайта кўриб чиқиши мумкин, июндаги эҳтиёткор пасайтиришдан (-25 б.п., 14,25% гача) сўнг.

АҚШ ФРС 17 июнда ставкани 3,50–3,75% даражасида сақлаб қолди. Бу ФРС янги раиси Кевин Уорш раҳбарлигидаги биринчи мажлиси эди; кейинги мажлис – 28-29 июл. ЕЦБ 11 июнда ставкани 25 б.п. га 2,25% гача оширди. Ўзбекистон МБ 17 июнда ставкани 14% да сақлаб қолди (кейинги мажлис – 29 июл). Россия Банки 19 июнда ставкани йиллик 14,25% гача пасайтирди, юмшатиш циклини давом эттирди (кейинги мажлис – 24 июл).

Олтин унцияси 4 175,7 долларгача қимматлашди (хафтада +2,11%) – Ормуз бўғозидан кема қатнови атрофидаги сақланиб турган таранглик ва АҚШ меҳнат бозори бўйича заиф ҳисобот шароитида ФРС сиёсатининг янада юмшатилиши кутилмалари фонида. Кумуш ҳам олтин ортидан қимматлашди – марказий банклар, жумладан Хитойнинг барқарор талаби фонида.

TTF гази куйидаги ораликда савдоланди: €40,8–44,2/МВт·соат Европа омборларидаги қулай захиралар фонида. Brent нефти баррели \$71–72 гача арзонлашди. ОПЕК+ таркибидаги етти давлат (биринчи марта келишувдан чиққан БАА бундан мустасно) 5 июлда августдан бошлаб суткасига 188 минг баррелга қазиб олишни оширишга келишиб олди, Ормуз бўғозидан кема қатнови бўйича сақланиб турган чекловлар фонида таклифнинг босқичма-босқич тикланишини давом эттирмоқда.

Ўтган ҳафтанинг асосий воқеалари



1 июл. ЕИ ва АҚШ ўртасидаги савдо битими кучга кирди, еврозонада инфляция эса июнда 2,8% гача секинлашди (майда 3,2%) – Яқин Шарқдаги можаро бошланишидан олдинги, февралдан бери энг паст даража.

2 июл. АҚШ иқтисодиётида банд бўлганлар сони июнда атиги 57 минг иш ўринига ошди – кутилган 110 мингдан анча паст, аммо ишсизлик 4,2% гача – йиллик минимумга пасайди. Ҳисобот АҚШ Меҳнат статистикаси бюроси (BLS) томонидан тайёрланган.

ISM Manufacturing PMI индекси июнда 53,3% ни ташкил этди (1 июлда эълон қилинган), кетма-кет олтинчи ой ўсиш ҳудудида, гарчи майдаги 54,0% дан паст.

ISM Services PMI индекси 54,0% ни ташкил этди (6 июлда эълон қилинган, 4 июл байрами туфайли кечиктирилган), кетма-кет 24-ой ўсиш ҳудудида; бандлик индекси кутилмаганда 51,2% гача ўсди, сўнгги тўрт ойда биринчи марта.



Еврозонанинг композит PMI индекси июнда 50,0 пунктгача ўсди (майда 48,5, 3 июлда қайта кўрилган) – икки ойлик пасайишдан сўнг ишбилармонлик фаоллигининг биринчи барқарорлашуви, энг яхши кўрсаткичлар Италия, Испания ва Ирландияда.

ЕЦБ сўровномалари энергия ресурслари нархлари босимининг сусайиши фонида бизнес кайфиятининг яхшиланганини кўрсатди.

Германияда инфляция июнда 2,4% гача, Францияда 2,0% гача секинлашди.

АҚШ ФРС 17 июндаги мажлисда ставкани 3,50–3,75% даражасида сақлаб қолди – бу янги раис Кевин Уорш раҳбарлигидаги биринчи мажлис бўлиб, у «dot plot»да индивидуал прогнозни ошкор қилишдан бош тортиди.



1 июл. Ўзбекистонда бир қатор иқтисодий ўзгаришлар кучга кирди: умумий овқатланиш ва хизматлар соҳаси учун 6% миқдорида соддалаштирилган ҚҚС, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва бюджет ходимлари маошларининг 7% га оширилиши (фармон президент томонидан 23 июнда имзоланган).

2–3 июл. Президент Шавкат Мирзиёев Грузияга давлат ташрифи билан борди, у ерда президент Михаил Кавелашвили ва бош вазир Иракли Кобахидзе билан музокаралар олиб борди.

Жаҳон банки олти вилоят (Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Навоий, Қорақалпоғистон) бошланғич мактабларида таълим сифатини ошириш учун 100 млн долларни тасдиқлади.

Ҳукумат Uzbekistan Airways ва Uztelecom'нинг 2027 йилгача халқаро биржаларда IPO режаларини тасдиқлади.



Хитой ва Япония. Хитойнинг қайта ишлаш саноатидаги расмий ишбилармонлик фаоллиги индекси (PMI) июнда 50,3 пунктгача ўсди (майда 50,0) – сунъий интеллект бумига боғлиқ юқори технологияли экспортга рекорд талаб фонида. Япон йенаси Япония банкининг валюта интервенциялари хавфи ортганига қарамай, доллар учун 161 дан юқорида заифлашишда давом этди.



5 июл ОПЕК+ таркибидаги етти давлат (биринчи марта келишувдан чиққан БАА бундан мустасно) августдан бошлаб суткасига 188 минг баррелга нефт қазиб олишни оширишга келишиб олди, таклифнинг босқичма-босқич тикланишини давом эттирмоқда. АҚШда 4 июлда Мустақиллик куни нишонланди, бу савдо ҳафтасини қисқартирди ва глобал бозорларда ликвидликни пасайтирди.

Ушбу ҳужжат фақат ахборот мақсадлари учун мўлжалланган ва ҳеч қандай молиявий инструментни сотиб олиш ёки сотиш таклифи эмас, шунингдек, индивидуал инвестиция тавсияси сифатида қаралмаслиги керак.

Ундаги маълумотлар оферта, оммавий оферта ёки инвестиция фаолиятида иштирок этишга таклиф ҳисобланмайди. Ҳужжат даромадлилик кафолатларини ўз ичига олмайди, инвестиция мақсадлари, молиявий ҳолати ёки муайян инвесторнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмайди.

Инвестиция қарорларини қабул қилишдан олдин рисклар, фойдалар, шунингдек, юридик, солиқ ва бошқа оқибатларни мустақил баҳолаш тавсия этилади. Даромадлилик бўйича илгари эълон қилинган маълумотлар келажакда шунга ўхшаш натижаларни олишни кафолатламайди.

Ҳужжатда ишлатилган логотиплар ёки савдо белгилари (агар мавжуд бўлса) фақат маълумот учун тақдим этилган ва тегишли брендларнинг ҳамкорлиги, маъқулланиши ёки рекламасини англатмайди.

Ушбу материалдаги атамалар ва таърифлар фақат кўриб чиқиладиган молиявий воситалар доирасида қўлланилади ва қонун ҳужжатларида белгиланган юридик таърифларга мос келмаслиги мумкин.

Материал очиқ манбаларга асосланган, маълумотлар олдиндан огоҳлантирмасдан ўзгартирилиши мумкин. Ташкilot тақдим этилган маълумотлардан фойдаланиш натижасида юзага келиши мумкин бўлган зарарлар учун жавобгар эмас.

Ушбу шарҳ давлат, рус ва инглиз тилларида тақдим этилган. Тил версиялари ўртасида ҳар қандай тафовут ёки фарқ бўлган тақдирда, рус тилида баён этилган матн ҳал қилувчи ҳисобланади.

Эътиборингиз учун раҳмат!

"Asia Alliance Bank" АТБ

Ҳазначилик бошқармаси

Махтумқули к., 2А, Тошкент ш., 100047

Тел: +998 71 231 60 00 (1241) | (1048)

e-mail: Davron.Mahmudov@aab.uz, Azizbek.Suyunov@aab.uz

вебсайт: www.aab.uz

